

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.B.02.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМДАМОВА МАЛИКА ИЛҲАМОВНА

**"ОДАМ АНАТОМИЯСИ ВА ФИЗИОЛОГИЯСИ" ФАНИНИ
МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(педагогика олий таълим муассасалари мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Хамдамова Малика Илхамовна

"Одам анатомияси ва физиологияси" фанини мультимедиа технологиялари асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш (педагогика олий таълим муассасалари мисолида) 3

Хамдамова Малика Илхамовна

Совершенствование методики преподавания предмета "Анатомия и физиология человека" на основе мультимедийных технологий (на примере педагогических высших учебных заведений) 27

Khamdamova Malika Ilkhamovna

Advancing teaching methodology of the subject "Human anatomy and physiology" on the basis of multimedia technologies (on the example of pedagogical higher educational institutions) 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.B.02.08 РАҚАМЛИ ИЛМий
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМДАМОВА МАЛИКА ИЛҲАМОВНА

**"ОДАМ АНАТОМИЯСИ ВА ФИЗИОЛОГИЯСИ" ФАНИНИ
МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(педагогика олий таълим муассасалари мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.Phd/Ped2605 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб - саҳифасида (www.samdu.uz) ва "Ziyonet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Шахмурова Гульнара Абдуллаевна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Файзиев Мирзаали Асфандиёрович
педагогика фанлари номзоди, доцент
Мирзаева Нодира Абдухамидовна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.B.02.08 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил « 20 » апрел кунини соат « 14 ⁰⁰ » даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Самарқанд давлат университети Биология факультети биноси, 2-қават мажлислар зали. Тел.: (+99866)239-11-40, факс: (+99866)239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (N36 - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15 уй. Тел.: (+99866)239-11-40.

Диссертация автореферати 2022 йил « 5 » апрел кунини тарқатилди.
(2022 йил « 5 » апрел да N27 -рақамли реестр баённомаси).



З.Т.Ражамурадов
Илмий даража берувчи бир
марталик илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор

М.С.Кузиев
Илмий даража берувчи бир марталик
илмий кенгаш илмий котиби,
б.ф.д., доцент

Х.Қ.Хайдаров
Илмий даража берувчи бир марталик
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда ривожланган мамлакатлар таълими тизимида бозор иқтисодиёти шароитларида юқори малакали, профессионал, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда биология фанларини ўқитишда компетентли ҳамда замонавий методик ёндашув ва технологияларни жорий этиш асосида таълим олаётганларнинг билим орттириш фаолиятини самарали ташкил этиш учун дидактик тизимни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда. 2030 йилгача мўлжалланган Юнесконинг Инчхон декларациясида "Таълим – тараққиётнинг асосий ҳаракатланувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим фаолият" деб қайд этилган ҳамда белгиланган вазифалар доирасида янги таълим тараққиётига, кучли ва инновацион ҳаракатларга ҳамда таълим тизимини доимий ривожлантириб боришга доир амалий лойиҳаларни татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мультимедиа таълим технологиялари янги ахборот технологиялари орасида жадал ривожланаётган соҳалардан биридир. Оксфорд, Гарвард, Кембридж, Стенфорд университетлари, Мельбурн университети, Торонто университети, Массачусетс технология институти ва дунёнинг бошқа етакчи университетлари замонавий мультимедиа таълим технологияларидан фойдаланиш орқали талабаларни илмий-тадқиқий таъминлаш имкониятини бермоқда.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда таълимни гуманитарлаштириш ва уни модернизациялаш шароитларида таълим жараёнига илғор таълим, хусусан мультимедиа технологияларини жорий этиш муаммоси Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида таълим тизими мазмунини сифатли янгилаш ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни босқичма-босқич жорий этиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган. 2017-2021-йиллар учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида¹ фан ва таълимни такомиллаштиришни амалга оширишни назарда тутувчи, ижтимоий соҳани ривожлантириш зарурлиги таъкидланган, бу эса ўз навбатида, бўлажак биология ўқитувчиларининг замонавий, инновацион, мультимедиа таълим технологияларидан фойдаланишга бўлган қизиқишини ошириш муаммосини ҳал этади. Бироқ бугунги кунга қадар таълим сифатини ошириш ҳамда таълим олувчилар биология фанларини ўрганишга бўлган қизиқишларини оширишлари учун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва мультимедиа технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эҳтиёж мажуд.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида"ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Т., 2017. 6-сон.

Бунинг контекстида педагогика олий таълим муассасаларининг биология факультетларида "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикасини мультимедиа технологиялари асосида такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур тадқиқот иши маълум даражада Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23-сентябрдаги ЎРҚ-637 "Таълим тўғрисида" Қонунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида", 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847 сон "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сон "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида", 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775 сон "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда фаол иштирокини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида", 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623 сон "Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. "Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожланишида инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республика ҳамда МДХ малакатлари етакчи олимларининг педагогика соҳасидаги педагогик ва методологик изланишларида: педагоглар Ш.Э.Қурбонов, С.Р.Ражабов, Ю.В.Бабанский, В.А.Сластенин, О.А.Абдуллина, С.В.Рубинштейн ва психологлар Г.В.Шоумаров, Е.Газиев, Н.В.Кузьмина каби етакчи педагогларнинг ўқитувчи фаолиятининг психологик тузилиши, ўқитувчи шахсининг педагогик қобилиятлари, олий таълим тизимида ўқитувчининг умумий педагогик тайёргарлиги кўриб чиқилган.

Ҳозирги кунда биология фанларини, хусусан, "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитишда эришилган илмий ютуқлар эътиборга молик бўлган маҳаллий тадқиқотчилар Р.И.Худойбердиев, Н.К.Ахмедов, У.З.Қодиров, Э.С.Махмудов ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини топган; таълимни модернизациялаш шароитларида педагогика фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш муаммолари К.П.Абдурахмонов, Н.Н.Азизхўжаева, С.О.Олимқулов, С.С.Бекназарова, А.Ш.Рустамов, А.И.Султонов, каби маҳаллий олимларнинг ишларида кўриб чиқилган; олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишнинг методологик асослари У.Ш.Бегимқулов, Д.Г.Жўраев, У.И.Иноятовларнинг тадқиқотларида тақдим этилган; педагогика фанларни ўқитиш методикасини такомиллаштиришда

Ўқитувчиларнинг креатив ва методик компетентлигининг тутган ўрни Н.А.Муслимов, С.Э.Низомхонов, Ш.С.Шарипов, Д.Д.Шарипова каби маҳаллий олимларнинг асарларида очиб берилган; педагогика фанларини ўқитишда мультимедиа технологияларидан фойдаланишнинг умумий масалалари Р.Х.Жўраев, М.Н.Ибодова М.А.Иргашева, Л.М.Караханова, Ҳ.Ш.Қодиров, М.Н.Цой, Ж.О.Толипова, Г.А.Шахмурова каби маҳаллий олимларнинг ишларида ёритилган.

МДҲ мамлакатларида табиий фанларни ўқитиш методикасини ривожлантиришнинг илмий асослари И.Д.Зверев, А.Г.Хрипкова, В.В.Полонцов, П.И.Боровицкий, Б.Е.Райков, В.М.Корсунская, И.Н.Пономарева, Н.М.Верзилин, В.Ф.Зуевлар томонидан тадқиқ қилинган. Табиий-биологик фанларни ўқитиш методикасини такомиллаштиришга оид амалий ишланмалар О.В.Акимова, Н.О.Ветгулин, К.Вакулук, Н.Семенова, О.В.Бондаренко, Э.Ф.Зеер, Г.А. Иваненко, А.В.Кузнецов, М.П. Карпенко, Г.П.Катунин, Г.В.Князева, А.В.Кузьменко, В.Н.Падерин, Н.М. Саукова, Д.А.Стариков, Г.А.Харченколар тадқиқотларида ёритилган.

Хорижий мамлакатларда Albert Ritzhaupt, Florence Martin, Katharine Daniel, Bala Dhandayuthapani Veerasamy, David J. Hughes, Allan Lee, Mutahira Lone, Tomaž Bratina ва бошқаларнинг ишларида мультимедиа технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш методикасини такомиллаштириш масалалари бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Педагог олимлар жамоаси томонидан мультимедиа технологияларидан фойдаланган ҳолда биология фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш муаммоси билан боғлиқ кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикасини мультимедиа технологиялари асосида такомиллаштириш муаммоси махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетида илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170923121 рақамли "Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш" номли амалий лойиха доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади педагогика олий таълим муассасаларида "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикасини мультимедиа технологияларидан фойдаланиш асосида такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

"Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикаси электрон муҳитда фаол ахборот алмашиниш, лойихалаш фаолиятига йўналтириш ҳамда интерактив дастурий воситалардан фойдаланиш компонентларини тушунтириш-мотивацияли, когнитив, технологик, креатив, мезонларни адаптив мослаштириш асосида такомиллаштириш;

"Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикасининг модели ва баҳолаш мезонлари ахборот-методик таъминот, билимларни модулли баҳолаш кўрсаткичларга кўра диагностикалашга ҳамда

тизимлаштиришга йўналтирилган ҳаракатлар алгоритмларини таълим парадигмаларига ассоциатив уйғунлаштириш услублари асосида такомиллаштириш;

"Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикаси мустақил ишлашини таъминлайдиган, фаолиятини, билимини узлуксиз ўзи томонидан назорат қилиб борилишига имкон берадиган креатив фикрлашга оид дидактик материалларни киритиш асосида такомиллаштириш;

"Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикаси мотивацион-қадриятли, когнитив-фаолиятли, шахсий-рефлексив, идентив хусусиятларга кўра интеграциялаш ҳамда витаген ва субъектив тажрибани синхронлаштириш асосида такомиллаштириш.

Тадқиқот объекти "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикасини мультимедиа технологиялари асосида такомиллаштириш жараёнидир.

Тадқиқот предмети "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикаси самарадорлигини мультимедиа технологиялари асосида оширишнинг шакл, усул ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий, муаммога оид илмий-методик, психологик-педагогик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, меъёрий ҳужжатлар, ўқитувчининг касбий стандарти, ўқув дастурлари, дарслик ва методик материалларни таҳлил қилиш, педагогик лойиҳалаш ва моделлаштириш, ўқитувчилар фаолиятини кузатиш, сўровномалар, тест вазифаларига мос келадиган педагогик ўлчов ва диагностика усуллари, педагогик эксперимент, натижаларни статистик қайта ишлаш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

"Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикаси электрон муҳитда фаол ахборот алмашилиш, лойиҳалаш фаолиятига йўналтириш ҳамда интерактив дастурий воситалардан фойдаланиш компонентларини тушунтириш-мотивацияли, технологик, креатив, мезонларни интегратив яхлитлаш ҳамда адаптив мослаштириш асосида такомиллаштирилган;

"Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикасининг модели ва баҳолаш мезонлари ахборот-методик таъминот, билимларни модулли баҳолаш кўрсаткичларга кўра диагностикалашга ҳамда тизимлаштиришга йўналтирилган ҳаракатлар алгоритмларини таълим парадигмаларига ассоциатив уйғунлаштириш услублари асосида такомиллаштирилган;

"Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикаси мустақил ишлашини таъминлайдиган, фаолиятини, билимини узлуксиз ўзи томонидан назорат қилиб борилишига имкон берадиган креатив фикрлашга оид дидактик материалларни киритиш асосида такомиллаштирилган;

"Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикаси мотивацион-қадриятли, когнитив-фаолиятли, шахсий-рефлексив, идентив хусусиятларга кўра ўзаро самарали интеграциялаш ҳамда витаген ва

субъектив тажрибани босқичма-босқич синхронлаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мультимедиа технологиялари асосида "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш сифатини ошириш йўллари илмий асослаб берилган;

мультимедиа технологиялари асосида "Одам анатомияси ва физиологияси" фанидан ўқув-услубий мажмуа ишлаб чиқилган;

"Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикасини мультимедиа технологиялари асосида такомиллаштиришнинг омили сифатида "Одам анатомияси ва физиологияси" (педагогика олий таълим муассасалари талабалари учун лаборатория машғулотларини ўтказиш бўйича услубий тавсиялар) ўқув-услубий қўлланма ишлаб чиқилган;

"Одам анатомияси ва физиологияси" асосий бўлимлари бўйича машғулотлар технологияси такомиллаштирилган: технологик харитаси, ўқув режаси, машғулотларнинг мазмуни ва усуллари, ўрганилаётган фаннинг назарий ва амалий аспектларининг боғланишлари илмий асосланган;

мультимедиа технологиялари ўқув-тарбиявий жараёнининг ахборот таъминот тизими, "Одам анатомияси ва физиологияси" электрон ўқув қўлланмаси (электрон ҳисоблагич машиналар учун дастур расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги №DGU 11017-сонли гувоҳнома), мобил илова (электрон ҳисоблагич машиналар учун дастурнинг расмий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги №DGU 11016-сонли гувоҳнома) яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республикамиз, шунингдек, хорижий мамлакатлар олимлари ва амалиётчилари ишларига асосланиши, расмий манбалардан олинган назарий маълумотлар, ёндашув ва усулларнинг қўлланилиши, математик статистика усуллари орқали ўтказилган таҳлил ва тажриба ишлари самарадорлигининг тасдиқланиши, хулоса ва тавсияларнинг ўқув жараёнига жорий этилиши, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти "Одам анатомияси ва физиологияси" ўқитиш методикасини мультимедиа технологиялари асосида такомиллаштириш жараёнини таълим сифатини яхшилаш оладиган назарий ва услубий характерга эга янги маълумотлар билан бойитишдан иборат. Олинган натижалар "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикасини мультимедиа технологиялари асосида такомиллаштириш учун фойдаланилиши мумкин ва улар "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикасини мультимедиа технологиялари асосида такомиллаштириш мобил иловаси, илмий асосланган маълумотлар, таклиф этилган усуллар, технологиялар, моделлар ва тавсиялар, дарсликлар, электрон дарсликлардан фойдаланиш, Ўзбекистон Республикаси педагогика олий таълим муассасаларида "510004-Биология" йўналишида қўлланилиши

мумкин бўлган ҳамда профессор-ўқитувчилар таркибинининг методик тайёргарлигининг самарадорлигини такомиллаштиришга кўмаклашадиган "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикасини мультимедиа технологиялар асосида такомиллаштириш тадқиқотини экспериментал амалга ошириш билан изоҳланади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини мультимедиа технологиялари асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш асосида:

"Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикаси мотивацион-қадриятли, когнитив-фаолиятли, шахсий-рефлексив, идентив хусусиятларга кўра интеграциялаш ҳамда витаген ва субъектив тажрибани синхронлаштириш асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар асосида "Одам анатомияси ва физиологияси" номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги буйруғи асосида берилган 356/7-016-сон гувоҳномаси). Натижада, "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш самарадорлиги, талабаларнинг ўқув фанларига бўлган қизиқишлари ва ўқув фаоллигининг ошишига эришилган;

"Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикаси электрон муҳитда фаол ахборот алмашилиш, лойиҳалаш фаолиятига йўналтириш ҳамда интерактив дастурий воситалардан фойдаланиш компонентларини тушунтириш-мотивацияли, технологик, креатив мезонларни адаптив мослаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар А1-ФҚ-010040 рақамли "Таълимда соғлиқни сақлаш – соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашнинг самарали усули (руҳий, маънавий, репродуктив саломатликни сақлаш)" лойиҳасининг вазифаларини амалга оширишда фойдаланиладиган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 30 сентябрдаги 02-07-2673/04-сон маълумотномаси). Натижада, биология фанини ўзлаштириш бўйича дидактик таъминот мазмуни бойитилган.

"Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикасининг модели ва баҳолаш мезонлари ахборот-методик таъминот, билимларни модулли баҳолаш кўрсаткичларга кўра диагностикалашга ҳамда тизимлаштиришга йўналтирилган услублар асосида такомиллаштириш юзасидан таклифлар асосида "Одам анатомияси ва физиологияси" номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги буйруғи асосида берилган 356/7-016-сон гувоҳномаси). Натижада ўқитувчиларнинг инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш ва уларнинг касбий сифатларини шакллантириш самарадорлиги ошган;

"Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикаси мустақил ишлашини таъминлайдиган, фаолиятини, билимини узлуксиз ўзи томонидан назорат қилиб борилишига имкон берадиган креатив фикрлашга оид мисол ва масалалар, тестлар ва кроссвордлар каби дидактик материаллар асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар А1-ФҚ-010040 рақамли

"Таълимда соғлиқни сақлаш – соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашнинг самарали усули (руҳий, маънавий, репродуктив саломатликни сақлаш)" лойиҳасининг вазифаларини амалга оширишда фойдаланиладиган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 30 сентябрдаги 02-07-2673/04-сон маълумотномаси). Натижада табиатшунослик фанларини интеграциялашуви асосида "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш жараёнини такомиллаштириш имкониятлари кенгайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан 1 та ўқув қўлланма, докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш учун Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, улардан 3 таси республика ва 2 таси халқаро журналларда чоп этилган, шунингдек 1 та мақола *Scopus* маълумотлар базасида индексланадиган журналда чоп этилган, 2 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 129 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий ва маҳаллий илмий-тадқиқот ишлари ҳамда муаммонинг ўрганилганлик даражаси шарҳи берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети белгилаб олинган, тадқиқот ишининг фан ва техника ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилиниши ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Педагогика олий таълим муассасаларида "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини мультимедиа технологиялари асосида ўқитишнинг назарий асослари"** деб номланган биринчи бобида таълимни модернизациялаш шароитларида таълим тизимини ривожлантириш ҳамда ёш авлодни тарбиялаш масалалари, таълимни модернизациялаш шароитларида мультимедиа технологиялари асосида "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш услубларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган, "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш жараёнида мультимедиа технологияларини қўллаш шароитларида таълим сифатини оширишнинг методик асослари келтирилган, мазкур фанни ўқитиш методикасини амалга оширишда ўқитувчининг креатив компетентлигининг

ўрни аниқланган. Таълим жараёнига мультимедиа технологияларини жорий этган ҳолда таълимни модернизациялашга урғу берган бир қатор МДҲ ва маҳаллий олимларнинг илмий изланишлари келтирилган. Шу билан бирга, ахборот ва мультимедиа технологияларидан фойдаланадиган юқори малакали, касбий тайёргарликка эга ва баркамол педагог шахсларни ривожлантириш ва таълим сифатини ошириш шарт-шароитлари алоҳида таъкидланмоқда. "Технология", "педагогик технология", "мультимедиа" ва "мультимедиа технологияси" тушунчалари таҳлил қилинган. Бир қатор рус олимлари томонидан мультимедианинг таърифига мисоллар келтирилган. Шунини таъкидлаш керакки, мультимедиа - бу анъанавий статистик визуал (матн, графика) ҳамда динамик (нутқ, мусиқа, видеопарчалар, анимация) ахборотни бирлаштирувчи компьютер технологияларининг алоҳида бир туридир. Айтилган фикрлар контекстида Г.И.Харченко, М.В.Гулакова томонидан тавсия этилган, таълимда мультимедиадан фойдаланишнинг асосий хусусиятларини санаб ўтамиз (1- расм).



1-расм. Таълимда мультимедиадан фойдаланишнинг асосий хусусиятлари

Шу билан биргаликда, ўқув-тарбиявий жараённи такомиллаштиришга, инновацион дидактик тизимларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берадиган янги таълим технологияларини жорий этмасдан туриб "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиб бўлмаслигини таъкидлаш лозим. Таълим технологиялари орасида мультимедиа технологияларига алоҳида ўрин ажратилган. "Мультимедиа технологиялари" тушунчасининг мавжуд таърифларидан келиб чиқиб, мультимедиа технологиялари тушунчаси талқин қилинган - бу тарихий, этнографик, минтақавий, миллий, экологик, ўлкавий, функционал ва психологик хусусиятларни ҳисобга оладиган, биологияни ўқитишда билимларни ўзлаштириш учун мотивация ривожланишига кўмаклашадиган мультимедиа маълумотларини топиш, танлаб олиш, тўғри тақдим этиш шароитини яратиб берувчи

технологиялардир. Юқорида кўрсатиб ўтилган таклифлардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш керакки, мультимедиа технологияларидан фойдаланган ҳолда таълим сифатини оширишда ўқитувчилик касбига, унинг ўз касбини эгаллаш даражаси - компетентлигига муҳим аҳамият берилади. Хусусан, педагогик луғатда компетентликнинг қуйидаги таърифи келтирилган - муайян ижтимоий-касбий мақомдаги шахсларнинг билим, кўникма ва тажрибаларининг улар бажарадиган вазифалар ва улар ҳал қиладиган муаммоларнинг реал мураккаблик даражасига мос келишидир. Компетент ёндашув ҳозирги кунда ҳар қандай фанни, жумладан, "Одам анатомияси ва физиологияси"ни ўргатишнинг устувор вазифаси сифатида эътироф этилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, компетентлик ҳар доим ўқитувчининг креативлиги билан характерланади. Креатив компетентлик касбий фаолиятда намоён бўлади, талабанинг ижтимоийлашувида муҳим роль ўйнайди, талабада инновациялардан фойдаланиш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради. Турли мамлакатлар тадқиқотчиларининг асарларини ўрганаётганда, педагог қуйидагиларни самарали бажара олишини тахмин қилган ҳолда "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитишда мультимедиа технологияларидан фойдаланишда ўқитувчининг креатив компетентлигининг алоҳида тутган ўрнини таъкидлаш керак:

1) талабаларда мультимедиа воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ асосли муаммоли саволлар бериш қобилиятини рағбатлантириш ва ривожлантириш;

2) талабалар турли саволларга жавоб бериш учун мультимедиа ахборотларни мустақил излай олганларида ва олган билимларини амалиётда қўллай олганларида ўқитишда тадқиқот методикасидан фойдаланиш;

3) талабаларга муаммоларни ўрганиш ва умумлаштирилган хулосалар чиқариш учун турли хил мультимедиа ахборотлардан фойдаланиш қобилиятини ривожлантиришларига ёрдам бериш;

4) талабалар бошқаларни толерантлик билан тинглашни ўрганадиган ва хушмуомалалик билан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадиган, очик мунозараларни қўллаб-қувватлайдиган баҳс-мунозаралар ўтказишни ташкил этиш.

Юқорида айтиб ўтилганларни хулосалар эканмиз, ўқитувчининг креатив компетентлиги ўқитувчининг ажралмас сифатига бўлиши лозим, негаки машғулотларида мультимедиа технологияларидан фойдаланиш ўқитувчидан ўқитишда юқори ижодий маҳоратни ҳамда турли мультимедиа ўқитиш воситалари билан ишлай олишини талаб қиладди.

Диссертациянинг **"Педагогика олий таълим муассасаларида "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикасини мультимедиа технологиялари асосида такомиллаштириш"** деб номланган иккинчи бобида "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг самарали воситаси сифатида мультимедиа технологияларидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар келтирилган ва илмий асослаб берилган, "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикасини мультимедиа технологиялари асосида

такомиллаштиришнинг баҳолаш мезонлари ҳамда таркибий-мазмуний моделининг назарий-методологик компоненти баён қилинади, уни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилган, "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш жараёнида ўқитувчиларнинг методик компетентлигини мультимедиа технологиялари асосида ошириш йўллари асослаб берилган.

Ўзбекистон Республикасида таълимни компютерлаштириш - бўлажак мутахассисларни тайёрлашдаги кенг қўламли инновациялардан бири бўлиб, улар мультимедиа технологияларини ўзлаштиришлари учун шарт-шароитлар яратишни талаб этувчи долзарб муаммо ҳисобланади. Тадқиқот давомида маҳаллий ва хорижий ўқитувчиларнинг мультимедиа технологияларига оид фикрлари таҳлил қилинган. Таълимда мультимедиа - бу ўқув материалининг мазмунини эстетик ташкил этилган интерфаол шаклда тақдим этиш орқали ўқув таълим мақсадларига ҳам, ривожланиш мақсадларига ҳам эришиш имконини берувчи компютер дидактик воситадир. Ўқитувчи ва талабалар учун энг қулай бўлган мультимедиа технологиялари ёрдамида ўтказилган машғулотлар, уларга қўйидаги имкониятларни тақдим этади:

дастурий ва техник воситаларни қўллаш ҳисобига машғулотни такомиллаштириш;

операциялари ва услубларини мультимедиали намоёиш этиш;


матнли маълумотларни экрандан узатиш;

компютерли кўрсатма ва назорат, натижаларни тез ва объектив баҳолаш.

Юқорида айтилган фикрлар нуқтаи назаридан, бир қатор тадқиқотчиларнинг илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили асосида "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш мисолида методик мақсадига кўра мультимедиа технологияларининг тасниф схемаси ишлаб чиқилган (2-расм). Шунини таъкидлаш керакки, мультимедиа технологиялари асосида "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикасини такомиллаштиришда техник ўқитиш воситаларидан фойдаланган ҳолда индивидуал, гуруҳли ва фронтал ишларни тўғри бирлаштириш мақсадга мувофиқдир.

"Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш жараёнида турли хил кўргазмалар ахборотлар, турли мультимедиа воситалари ва таълим технологияларидан фойдаланиш мумкин. "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикасини мультимедиа технологияларини қўллаш асосида такомиллаштириш мақсадида қўйидаги функцияларга эга электрон ўқув қўлланма ҳамда "Одам анатомияси ва физиологияси" мобил иловаси ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди: барча маъруза материаллари ва лаборатория машғулотларини PDF форматда ўқиш ва юклаб олиш имконини беради; 3D форматдаги видеоматериаллар билан танишиш имкониятини беради; ўтилган мавзулар бўйича талабалар билиминини синаш учун тест сновларини амалга оширади;

МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ МЕТОДИК МАҚСАДИГА КЎРА ТАСНИФИ ("ОДАМ АНАТОМИЯСИ ВА ФИЗИОЛОГИЯСИ" ФАНИНИ ЎҚИТИШ МИСОЛИДА)



2 - расм. "Одам анатомияси ва физиологияси" фани мисолида методик мақсадига кўра мультимедиа технологиялари таснифи

"Одам анатомияси ва физиологияси" фани бўлимлари бўйича кроссвордлар ечиш ва анимациялар билан танишиш имкониятини беради; глоссарий ва лотин терминологияси ёрдамида амалий ва мустақил ишларни бажариш имкониятини беради.

Мультимедиа технологияларидан фойдаланишда ўқитувчи фаолиятини ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар электрон дарслик ва мобил иловадан фойдаланиш мисолида келтирилган.

Педагогика олий таълим муассасаларида "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикасини мультимедиа технологиялари асосида такомиллаштиришнинг методологик ва назарий асосларини ўрганиш натижасида электрон ўқув қўлланма ва мобил иловани қўллаш мисолида тузилмавий-мазмуний модель яратилган ва тавсифланган (3-расм). Тақдим этилган моделнинг тузилиши учта блокдан иборат:

1. "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикасини мультимедиа технологиялари асосида амалга оширишнинг мақсад ва вазифаларини ўз ичига олган мақсадли компонент;


2. Ўқув жараёни, педагогик жараён (методлар, воситалар, шакллар, мультимедиа таълим технологиялари), дастурий ўқув-услубий таъминот (электрон ўқув қўлланма ва мобил илова)ни, методологик ёндашувни (компетентликка асосланган, креатив, тизимли, индивидуал) ўз ичига олган жараёнли компоненти;

4. Мезонлар, баҳолаш даражаси ва натижани ўз ичига олган натижавий компоненти.

Юқорида қайд этилган тақлифлар асосида "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини мультимедиа технологиялари асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш самарадорлигини баҳолаш мезонлари (тушунтириш-мотивацияли, технологик, креатив, шахсий-рефлексив) тузилган.

Юқорида айтилган фикрлар нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасида таълим сифатини яхшилаш, ўқитилаётган фан самарадорлигини таъминловчи мультимедиа технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш, шунингдек ўқитувчининг замонавий мультимедиа технологияларининг янги имкониятлари ҳақида билимга эга ва улардан фойдаланишга тайёр бўлишини талаб этади. Айтилган фикрлар контекстида "методик компетентлик" тушунчаси таҳлил қилинди. Методик компетентлик ўқитувчининг касбий малакасининг асосий белгиси ва касбий компетентциянинг яхлит таснифи бўлиб, бу таълим олаётганларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш бўйича педагогик вазифаларни ҳал қилишнинг тегишли технологиялари ва усулларини ишлаб чиқиш, танлаш ва қўллашга оид билим ва кўникмалардан иборат, ўқитувчи шахсининг интегратив характеристикасидир.

Методик фаолиятни ташкил этиш: мультимедиа ўқитиш воситалари (проектор, сканер, компьютер, видеокамера, интерактив доска) дан фойдаланиш ёрдамида;



3-расм. Педагогика олий таълим муассаларида мультимедия технологиялари асосида "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш модели

Internet кутубхоналаридан фойдаланиш (<http://natlib.uz>; <http://pedkutubxona.uz>; <http://fban.uz>) ва таълим порталлари ёрдамида (<http://www.ziyonet.uz>; <http://metodiki.ru>); ўқитувчи томонидан компьютер дастурлари (PowerPoint; iSpringSuite; Keynote), онлайн хизматлар (Google Presentation) ёрдамида мультимедиали тақдирот тақдим этилиши; таълим порталлари (<http://bellashuv.uz>; <http://testbiohim.ru>), онлайн хизматлар (Google Classroom платформаси, Online Test Pad), электрон ўқув қўлланма ёрдамида компьютер тестларини ўтказиш; талабаларни баҳолаш ва ўқитувчи томонидан электрон журналнинг юритилиши (электрон журнални <http://reja.tdpu.uz/shaxsiyreja/> веб-сайтида тўлдириши); педагогик конференцияни ташкиллаштириш (Zoom дастури); ўқитувчининг ўқув-услугий фаолиятини такомиллаштириш (<http://tanlov.uz>; <https://euuf.uz> танлов ва форумларида иштирок этиш); (Google scholar; <http://eLIBRARY.ru>; Scopus/ScienceDirect; Web of Science) умумэтироф этилган индексацияланган маълумотлар базаси ёрдамида ўқитувчининг илмий-методик фаолиятини такомиллаштириш орқали "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш жараёнида ўқитувчиларнинг методик компетентлигини ошириш йўллари кўриб чиқилди.

Юқорида айтиб ўтилган фикр-мулоҳазаларга яқун ясаган ҳолда, мамлакатимизда таълим соҳасида рўй бераётган туб инновациялар мультимедиа технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳар бир таълим муассасасида таълим жараёнининг методик таъминотини ривожлантиришни талаб этиши ҳақидаги хулосага келиш мумкин.

Диссертациянинг **"Педагогика олий таълим муассасаларида "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикасини мультимедиа технологиялари асосида такомиллаштириш самарадорлигини экспериментал асослаш"** деб номланган учинчи бобида Тошкент давлат педагогика университети, Чирчиқ давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти ва Навоий давлат педагогика институтида 2020-2021 йиллар давомида уч босқичда олиб борилган тажриба ишлари натижалари мазмуни ва таҳлили кўриб чиқилган. Тажрибада "Биология", "Биологияни ўқитиш методикаси" ҳамда "Зоология ва анатомия" кафедраларининг 78 нафар ўқитувчиси ва "биология" йўналишдаги 387 нафар талаба иштирок этди.

Тасдиқловчи тажриба (2019) босқичида ўқитувчи ва талабалар билан сўров ва суҳбатлар ўтказиш орқали "Одам анатомияси ва физиологияси" фанини ўқитиш методикасини амалга ошириш ҳолатининг таҳлили ўтказилди, бу эса талабаларда ўқув материални билиш даражасини ҳамда ўқитувчида мультимедиа технологияларидан фойдаланиш кўникмалари мавжудлигини аниқлаш имконини берди.

Шакллантирувчи педагогик эксперимент (2020) босқичида тадқиқотлар назорат ва тажриба гуруҳларида олиб борилди. Назорат гуруҳларида "Одам анатомияси ва физиологияси" фанидан машғулотлар анъанавий ўқитиш методикасига асосланган методика ёрдамида олиб борилди. Тажриба гуруҳларида машғулотлар мультимедиа таълим технологияларидан

фойдаланган ҳолда машғулотлар самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс методика ёрдамида олиб борилди.

Педагогик экспериментнинг якуний босқичида (2021) мультимедиа технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш имконини берган, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг такрорий сўрови ўтказилди. Олинган маълумотлар тадқиқот натижаларини умумлаштириш, уларни математик статистика ёрдамида қайта ишлаш, илмий хулосаларни шакллантириш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди.

Тадқиқот давомида тўпланган барча материаллар математик статистика усуллари ёрдамида таҳлил қилинди, натижаларнинг самарадорлиги аниқланди. Экспериментал тест ўтказишда ҳамда ўтказилган сўров давомида олинган натижаларни баҳолаш мезонларига мос қийматлар қуйидагича тақдим этилди. Ишлаб чиқилган баҳолаш мезони асосида ўқитувчилар ва талабалар ўртасида ўтказилган сўровнинг қуйидаги натижалари олинди (1-2-жадвал).

1-жадвал

Ишлаб чиқилган баҳолаш мезони асосида ўқитувчиларни анкеталаш натижалари

Мезон	Даража	Ўртача балл	Тажриба гуруҳлари			
			Тажрибадан олдин ўқитувчилар сони	%	Тажриба охирига келиб ўқитувчилар сони	%
			78	100	78	100
тушинтириш-мотивацияли	Юқори	21,6	9	16,67	24	30,77
	Ўрта	18,1	20	46,15	45	57,69
	Паст	14,5	49	37,18	9	11,54
когнитив	Юқори	10,8	10	17,95	27	34,62
	Ўрта	9,1	22	48,72	45	57,69
	Паст	7,3	46	33,33	6	7,69
технологик	Юқори	19,5	11	19,23	26	33,33
	Ўрта	16,3	21	47,44	47	60,26
	Паст	13,1	46	33,33	5	6,41
креатив	Юқори	21,6	11	19,23	30	38,46
	Ўрта	18,1	20	46,15	42	53,85
	Паст	14,5	47	34,62	6	7,69
шахсий-рефлексив	Юқори	19,5	12	20,51	33	42,31
	Ўрта	16,3	22	48,71	44	56,41
	Паст	13,1	44	30,77	1	1,28

Ушбу баҳолаш мезонига кўра талабаларни анкеталаш натижалари


Мезон	Даража	Ўртача балл	Экспериментальная группа				Контрольная группа			
			Тажрибадан олдин талабалар сони	%	Тажриба охирига келиб талабалар сони	%	Тажрибадан олдин талабалар сони	%	Тажриба охирига келиб талабалар сони	Тажрибадан олдин талабалар сони
			194	100	194	100	193	100	193	100
тушинириш-мотивация-ли	юқори	15,0	12	6,19	35	18,04	12	6,22	13	6,74
	ўрта	12,6	41	21,13	98	50,52	40	20,73	41	21,24
	паст	10,1	130	67,01	60	30,93	131	67,88	128	66,32
	ЭНГ паст	6,0	11	5,67	1	0,52	10	5,18	11	5,70
КОГНИТИВ	юқори	12,0	15	7,73	41	21,13	14	7,25	15	7,77
	ўрта	10,1	45	23,20	105	54,12	46	23,83	47	24,35
	паст	8,1	118	60,82	46	23,71	120	62,18	119	61,66
	ЭНГ паст	5,1	16	8,25	2	1,03	13	6,74	12	6,22
технологик	юқори	21,0	14	7,22	42	21,65	14	7,25	15	7,77
	ўрта	17,6	40	20,62	109	56,19	39	20,21	41	21,24
	паст	14,1	130	67,01	42	21,65	132	68,39	130	67,36
	ЭНГ паст	7,8	10	5,15	1	0,52	8	4,15	7	3,63
